

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSs/04/30.04.2022.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВА НАФИСА КОМИЛЖОНОВНА

**ГИПОТИРЕОЗГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА АСАБ
ТИЗИМИНИНГ ЖИНСГА БОҒЛИҚ ХОЛДА ЗАРАРЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Каюмова Нафиса Комилжоновна

Гипотиреозга чалинган беморларда жинсга боғлиқ ҳолда асаб тизимининг зарарланиш хусусиятлари..... 3

Каюмова Нафиса Комилжоновна

Особенности поражения нервной системы у взрослых пациентов с гипотиреозом в зависимости от пола..... 21

Kayumova Nafisa Komiljonovna

Features of the nervous system impairment in adult patients with hypothyroidism, depending on gender..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSs/04/30.04.2022.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВА НАФИСА КОМИЛЖОНОВНА

**ГИПОТИРЕОЗГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА АСАБ
ТИЗИМИНИНГ ЖИНСГА БОҒЛИҚ ХОЛДА ЗАРАРЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1916. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Назарова Жанна Авзаровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Уринов Мусо Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Эргашева Наргиза Насриддинова
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

**Доғистон давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSs.04.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждивон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждивон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилган.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича доктори (DSs), доцент

Г. А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSs), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, гипотиреоз (ГТ) касаллиги билан бутун дунё бўйлаб тахминан 200 миллион инсон хасталанган¹. Ҳозирги вақтда гипотиреоз эндокрин патологиянинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Гипотиреоз (ГТ) муаммосининг турли мутахассисликдаги шифокорларнинг клиник амалиётида долзарблиги қалқонсимон без гормонлари етишмовчилиги билан барча органлар ва тизимларда истисносиз оғир бузилишлар ривожланиши билан боғлиқдир. Беморлардаги кўп орган етишмовчилиги гипотиреозга чалинган беморлардаги руҳий ва неврологик бузилишларни эрта ривожланишига ва оғирлашувига олиб келади. Гипотиреозга чалинган беморларда руҳий ўзгаришларни клиник манзарасининг полиморфизмлиги маҳаллий ва хорижий муаллифлар ишларида баён этилган. Бироқ, гипотиреозга чалинган беморларда асаб тизими шикастланишининг жинсга боғлиқ равишдаги хусусиятлари ҳақида яқдил фикрга келинмаган. Баён этилганларнинг барчаси муаммонинг долзарблиги ва уни клиникада ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Жаҳонда гипотиреознинг тарқалиши 0,2-9,5% гача бўлиб, манифест гипотиреоз 0,2-2%; субклиник гипотиреоз - 10% гача учрайди. Гипотиреоз эркаларда аёлларга қараганда 4-10 марта камроқ учрайди. Субклиник гипотиреоз бўлган аёллар 10% ни, эркалар эса - 3% ташкил қилади (Петунина Н.А., 2005). Ёшнинг улғайиб бориши гипотиреозни 12-20% га ошириши мумкин. Бу статистик маълумотлардан билишимиз мумкин бутун жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, гипотиреозга чалинган беморлардаги неврологик танқислик, руҳий-эмоционал бузилишларнинг хусусиятлари ва ҳаёт сифатини жинсга боғлиқ равишда ўрганишга йўналтирилган ишлар жуда ҳам оз ва замонавий неврология учун долзарблиги шунда.

Мамлакатимизда гипотиреозни ўрганиш бўйича олиб борилган эпидемиологик тадқиқотларига кўра, ушбу касаллик тарқалганлиги Россия, АҚШ ва Европага қараганда юқори бўлиб, 12-15% ни ташкил этади, ундан бирламчи гипотиреоз 4,5-5% га тенг (Губанова Г. В., 2015; Ахмедов С.А., 2017; Бирюкова Е.В., Шинкин М.В., 2017; Мельниченко Г.А., 2019; Трошина Е.А., 2019). Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, профилактика усулларини ишлаб чиқиш, даволаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва "...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, юқори даражадаги технологик диагностика ва даволаш усуллари, патронаж хизмати ва тиббий кўрикнинг самарали моделларини яратиш..." чора тадбирлари амалга оширилмоқда². Мазкур

¹ <https://www.who.int/ru/data/gho/publications>

² Ўзбекистон Республикаси миллий қонун ҳужжатларининг маълумотлар базаси. 2020 йил

диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “Янги Ўзбекистонни 2022-йилда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли қарори, 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017-йил 20-июндаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-3071-сонли фармони, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сайёрамиздаги турли аҳоли гуруҳларида гипотиреознинг тарқалиши 1,2% дан 15% гача ва бу кўрсаткичнинг ўсиши кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан сурункали аутоиммун тирозидит, қалқонсимон гормонлар биосинтезининг етарли эмаслиги (ирсият туфайли), қалқонсимон без ривожланишидаги туғма нуқсонлар (гипоплазия ёки аплазия), қалқонсимон безнинг бир қисмини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш, қалқонсимон безга радиоактив йод (Базедов касаллигини даволашда) ёки ионлаштирувчи нурланиш таъсирининг оқибатлари, озик-овқатда йод танқислиги, қалқонсимон безнинг инфекциялари ва неоплазиялари, баъзи дори-дармонларни қабул қилиш, (иккиламчи гипотиреоз бўлса) гипофиз беши ва гипоталамуснинг патологик ҳолати. Бироқ, индивидиуал тадқиқотлар натижалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, Колорадо тадқиқотида (АҚШ, 25 686 киши), ўрганилган гуруҳда жинсни ҳисобга олмаган ҳолда СГТ тарқалиши 9,5% ни ташкил этди. NHANES III тадқиқотида (АҚШ, 16 мингдан ортиқ бемор) – 4,5% (Шестакова Т.П., 2016).

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, манифест гипотиреоз билан оғриган беморлар субклиник гипотиреоз билан оғриган беморларга қараганда аниқроқ эмоционал касалликлар, шунингдек вегетатив касалликлар ва хотира бузилиши билан ажралиб туради (Потапов А.А., Крылов В.В, 2015; Альтшулер Н.Э., Куцый М.Б., Кругляков Н.М, 2022).

Бу муаммо Республикамизда кенг ўрганилган (Исмаилов С.И., Рашитов М.М., 2017; Саидрасулова М.А., Алиев С.У., 2019). Шу билан бирга, бутун дунё бўйлаб ўтказилган бир нечта тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бирламчи ГТ билан оғриган беморларда неврологик нуқсонлар, психоэмоционал касалликлар, автоном дисфункция ва ҳаёт сифатининг хусусиятларини ўрганиш ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Гипотиреоз билан оғриган беморларнинг психикасидаги ўзгаришларнинг клиник кўринишининг полиморфизми хорижий муаллифларнинг (Rosen Shani R., Ovadia Yaniv S., Anteby Eyal Y.,

Fytlovich 2020; Jayatissa Renuka, Gorstein Jonathan, Okosieme Onyebuchi E., 2020) тадқиқот натижаларида ўз аксини топган. Республикамизда гипотиреоз муаммоларига ҳам катта аҳамият берилляпти. Жумладан (Абдукабирова Ф.М., Бостанова Ф.А., 2019) илмий изланишлари гипотиреоз ташхисоти ва даволаш муаммоларига қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон Давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режаси "COVID-19"дан кейинги даврда Андижон вилояти аҳолисининг соғлиғига таъсир қилувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, диагностика қилиш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва олдини олиш" (2020-2025) га биноан ўтказилди.

Тадқиқот мақсади. Бирламчи гипотиреозда жинсга боғлиқ равишда марказий, периферик ва вегетатив нерв системаларининг зарарланиш хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жинсга боғлиқ холда бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда марказий асаб тизими зарарланишларининг тарқалиши, кечиши ва клиник хусусиятларини эрта баҳолаш;

бирламчи гипотиреозда жинсга боғлиқ холда периферик нерв системасининг зарарланишларини клиник ва инструментал хусусиятларини баҳолаш;

жинсга боғлиқ холда бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда психо-эмоционал бузилишлар (депрессия, хавотир, астения) характерини баҳолаш;

жинсга боғлиқ холда бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда КИГ (кардиоинтервалография) ёрдамида вегетатив дисфункция мавжудлигини аниқлаш ва гипотиреознинг клиник турлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда неврологик синдромларни аниқлаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Бирламчи гипотиреозга чалинган, 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган 111 нафар бемор текширилди ва уларнинг ўртача ёши 38,2±7,6 ёшни ташкил этди. Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг эндокринология ва неврология бўлимидаги беморлар кузатувга олинган.

Тадқиқотнинг предмети: клиник-анамнестик кўрсаткичлар, психоневрологик мақомни белгиловчи, психологик тест, қон зардоби (ТТГ, Т4, Т3, АТ-ТПО), нейрофизиологик (УТТ, ЭНМГ, ЭЭГ), ва нейровизуализацион (МРТ) тадқиқотлар натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари: ишда тадқиқотнинг клиник-неврологик, анамнестик, нейрофизиологик (УТТ (қалқонсимон без), бош мия ЭЭГ, ЭНМГ), нейровизуализацион (бош мия МРТси), нейропсихологик тест (MMSE, FAB, SF-36, MFI-20), Вейн вегетатив сўровномаси ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипотиреоз билан оғриган беморларда пай рефлексларнинг пасайиши, оёқ ва қўлларнинг дистал қисмида гипестезия ва координацияни бузилиши каби неврологик ва вегетатив белгилар кузатилиши, улардаги эрта неврологик бузилишлар мавжудлигини кўрсатувчи клиник маркер эканлиги исботланган;

гипотиреоз билан оғриган беморларда периферик асаб тизимининг жинсга боғлиқ холда зарарланиш хусусиятлари аниқланиб, бирламчи гипотиреозли аёлларда полинейропатия деярли доимий синдром бўлиб, эркакларга қараганда нейропатиянинг оғирроқ кечиши асосланган;

гипотиреоз билан хасталанган беморларда эркин Т4 ва психо-эмоционал фаолиятни баҳолаш шкалалари кўрсаткичлари ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик, шунингдек ТТГ ва когнитив фаолиятни баҳолаш шкалалари кўрсаткичлари ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

вегетатив сўровнома ва кардиоинтервалография усулида симпатик автоном таъсирларнинг устунлиги баҳолаш асосида гипотиреоз билан хасталанган беморларда вегетатив бузилишлар оғирлик даражаси аниқланиб, эрта ташхисот, ҳамда даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Гипотиреоз билан оғриган беморларда неврологик асоратларни ташхислаш ва даволашда жинсга боғлиқ холда дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган бўлиб, у гипотиреоз билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган шифохоналар ишига кенг жорий этилган;

гипотиреоздаги неврологик ва вегетатив бузилишларнинг клиник хусусиятларини билиш ушбу тоифадаги беморларда диагностика ва профилактикани яхшилашда ва тўғри даволашни ташкиллаштиришда таклиф қилинган;

гипотиреозда когнитив бузилишларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларни эрта аниқлаш бирламчи профилактикани ва даволаш самарасини яхшилашда таклиф қилинган;

гипотиреозда неврологик бузилишларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш буйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, гипотиреоз билан оғриган беморларни махсус даволаш тактикасидан фойдаланган ҳолда алоҳида юқори хавфли гуруҳга ажратиш имконини беради.

ГТ билан оғриган беморларда неврологик асоратларни ташхислаш ва даволашда жинсга боғлиқ холда табақалаштирилган ёндашув ишлаб чиқилган бўлиб, у ГТ билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган

шифохоналар ишида кенг қўлланилади. ГТ билан оғриган беморларни текширувига КИГ ни ҳам киритиш. ГТда неврологик нуқсонларни ташхислаш ва даволаш учун дастур ва алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш. Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2024 йил 29 февралдаги 06/07-сон хулосасига кўра;

гипотиреоз билан оғриган беморларда периферик асаб тизимининг жинсга боғлиқ холда зарарланиш хусусиятлари аниқланиб, бирламчи гипотиреозли аёлларда полинейропатия деярли доимий синдром бўлиб, эркакларга қараганда нейропатиянинг оғирроқ кечиши асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: гипотиреозни барвақт ташхислаш, гипотиреоздаги неврологик бузилишларни эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалётига жумладан, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларининг тиббий бирлашмаларнинг амалий фаолиятига жорий этилган (Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси буйруқ №14, билан Фарғона вилояти Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси буйруқ № 28 тадбиқ этилган). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бирламчи гипотиреознинг неврологик асоратларини даволаш ва реабилитация қилишнинг муваффақияти нафақат индивидуал синдромни тўғри ва ўз вақтида ташхислашни, балки асаб тизимининг биргаликда шикастланиш вақтини ҳисобга олишни ҳам назарда тутди. Неврологик нуқсонларнинг тикланишини тезлаштиради ва асоратлар сонини камайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда полинейропатияни ўз вақтида аниқлаш билан, натижада анъанавий даволаш 400 000 сўм бўлса, таклиф қилинган усул билан 250 000 сўм, бюджетдан 150 000 сўм тежалган.

Хулоса: Бирламчи гипотиреоз даврида полинейропатияни эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш натижасида ҳар бир бемор учун 150 000 сўмни тежаш мумкин бўлади;

вегетатив сўровнома ва кардиоинтервалография усулида симпатик автоном таъсирларнинг устунлиги баҳолаш асосида гипотиреоз билан хасталанган беморларда вегетатив бузилишлар оғирлик даражаси аниқланиб, эрта ташхисот, ҳамда даволаш усуллари такомиллаштирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: гипотиреозни барвақт ташхислаш, гипотиреоздаги неврологик бузилишларни эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалётига жумладан, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларининг тиббий бирлашмаларнинг амалий фаолиятига жорий этилган (Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси буйруқ №14, билан Фарғона вилояти Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси буйруқ № 28 тадбиқ этилган). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бирламчи гипотиреознинг неврологик асоратларини даволаш ва реабилитация қилишнинг муваффақияти нафақат асосий касалликни тўғри ва ўз вақтида ташхислашни, балки автаном нерв системасининг шикастланиш вақтини ҳам ҳисобга олишни назарда тутди, бу эса неврологик нуқсонларни тиклаш ва асоратлар сонини камайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларни даволашга

сарфланган вақт 28,4%, харажатлар - 23,6%. Хулоса: Юқорида айтилганларга асосланиб, биз бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларнинг автаном нерв системани ўрганиш учун тавсия этилган кардиоинтервалография усули самарали ва уни амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келишимиз мумкин.

Бирламчи гипотиреозлардаги неврологик бузилишларни эрта ташхисот ўтказишдаги аниқланган неврологик бузилишларни корексиялаш мақсадида яъни бирламчи гипотиреозларни стандарт давосига тавсия этилган нейропротектив даволаш бир нафар бемор учун ушбу янгиликни қўллаш орқали комплекс реабилитациясининг 1 курсига кетадиган харажатлар 3 273 295 сўмни ташкил этади, стандарт курс эса 3 623 295 сўмга тушади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика, 1 та “Scopus” ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 131 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган. Диссертация ишининг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги намойиш этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гипотиреознинг замонавий неврологик асоратлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар**» номли биринчи бобида адабиёт манбалари баён қилинган ва гипотиреоз бўйича сўнгги йилларда чоп этилган материаллар акс эттирилган. Гипотиреознинг таърифи, этиопатогенез масалалари, таснифи ва диагностикаси. Аутоиммун тиреодитда асаб тизимининг шикастланишининг иммунологик жиҳатлари, марказий, периферик ва автаном асаб тизимининг гипотиреоздаги ҳолати, гипотиреоз билан оғриган беморларни ҳаёт сифатидаги хусусиятлари ҳақида ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» номли иккинчи бобида текширилган контингентнинг тавсифи берилган. Бирламчи гипотиреоз (БГТ) билан оғриган 111 нафар бемор текширилди. Тадқиқотга фақат 18-44 ёшгача бўлган – ёшлар ва 45-59 ёшгача бўлган – ўрта ёш беморлар олинди. Ўртача ёши 38,2±7,6. АДТИ клиникасининг неврология ва эндокринология бўлимида назоратда бўлган беморлар киритилди (1-жадвал).

Беморларни гуруҳлар ва кичик гуруҳлар бўйича тақсимлаш


Гуруҳлар	ГТ шакли	кичик гуруҳ	жинси	N	%
I гуруҳ (n=73), 65,8 %	аёллар	А-кичик гуруҳ	МГТ	41	56,2 %
		Б-кичик гуруҳ	СГТ	32	43,8 %
II гуруҳ (n=38), 34,2%	эркаклар	А-кичик гуруҳ	МГТ	23	60,5 %
		Б-кичик гуруҳ	СГТ	15	39,5 %
МГТ билан касалланган беморларнинг умумий сони				64	57,7 %
СГТ билан касалланган беморларнинг умумий сони				47	42,3 %
жами				111	100,0 %

Текширилганларнинг барчаси тадқиқотда иштирок этишга розиликни имзолашди. Гипотиреознинг бирламчи кўрик пайтидаги давомийлиги 6 ойдан 30 йилгачани ташкил этди (гипотиреоз билан стажи 5 йилдан 10 йилгача бўлган беморлар устун келди).

Тадқиқотга киритиш мезонлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилди: ёши 18 дан 59 гача аутоиммун тиреоидит (АИТ) ва компенсацияланган манифестли ёки субклиник гипотиреознинг мавжудлиги. Аёлларнинг ўртача ёши $42,1 \pm 11,7$; эркакларники $48,2 \pm 8,3$ ёшни ($p > 0,05$) ташкил этди. Афтидан, ёш ўтиши билан гипотиреоз синдромига эга беморлар сони ҳам ортиб борди. Беморлар жинсига боғлиқ равишда 2 та гуруҳга бўлинди. I гуруҳга аёл жинсига мансуб 73 (65,8 %) нафар, II гуруҳга – эркак жинсига мансуб 38 (34,2 %) бемор кирди. Гендер индекси аёллар фойдасига 1,9:1 ни ташкил этди. Ҳар бир гуруҳ бирламчи гипотиреознинг шаклидан келиб чиқиб 2 та кичик гуруҳга бўлинди. «А» кичик гуруҳини ГТнинг манифестли шакли (МГТ), «Б» кичик гуруҳини эса ГТнинг субклиник шакли (СГТ) билан оғриган беморлар ташкил этди. Назорат гуруҳини асосий гуруҳлар билан жинс ва ёш бўйича қиёсланадиган 20 нафар соғлом шахслар ташкил этди.

Клиник–инструментал материалларни статистик ишлаш тиббий-биологик тадқиқотлар натижаларини ишлаш бўйича тавсияларга мувофиқ, $p < 0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида, олинган натижаларни қайта ишлаш ва визуализация қилиш статистик таҳлил учун СТАТИСТИКА Word 10 дастурий таъминот тўплами ва Microsoft Office Excel пакетининг ўрнатилган функциялари ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «Гипотиреозга чалинган беморларнинг жинсга боғлиқ равишда клиник-лаборатор тавсифи» номли учинчи бобида ТТГ, Т4 ва АТ-ТПОларнинг қон зардобидаги даражаларини текшириш натижалари келтирилган. Аёл жинсига мансуб беморларда ТТГ даражасининг қон зардобида миқдори ҳам СГТ, ҳам МГТ билан оғриган эркак жинсига мансуб беморлардагидан кўра сезиларли юқори бўлди. Барқарор гипотиреоз билан оғриган беморларда ТТГнинг бошланғич даражаси сезиларли юқори бўлди ($p = 0,01$). Умуман олганда, ГТ билан оғриган беморлар ТТГнинг ўртача ортиш даражасига мос равишда эркакларда 3,9–1,5 мМЕ/л, аёлларда эса $7,2 \pm 2,4$ мМЕ/л га эга бўлди (1-расм).



1-расм. Қалқонсимон без гормонлари ва тиреопероксидаза антителаларининг жинсга боғлиқ холда кўрсаткичлари


Гуруҳлар ва кичик гуруҳларга келсак, аёл жинсига мансуб шахсларда, СГТда ТТГ даражаси СГТ билан оғриган эркак жинсига мансуб шахсларга нисбатан юқори бўлди, яъни II-B кичик гуруҳда ТТГ 3,4+2,7 мМЕ/л ни, II-A кичик гуруҳда эса – 3,9+1,4 мМЕ/л ни ташкил этди.

Шундай қилиб, аёл жинсига мансуб беморлардаги тиреоид клиникаси СГТда ҳам, МГТда ҳам эркак жинсига мансуб беморларга нисбатан кўпроқ ифодаланган бўлди.

I гуруҳ беморларида II гуруҳ беморларига қараганда гипертония, цереброваскуляр касалликлар, метаболик синдром, қандли диабет каби касалликлар кўпроқ бўлган– 26,0%, 27,4%, 30,1%,16,4% қарши 21,1%, 18,4%, 26,3%,13,2% шунга кўра. II гуруҳда ЎСОК ва ошқозон-ичак касалликлари каби коморбид патология 15,8% ва 36,8%, I гуруҳда 12,7% ва 31,5% га нисбатан кўпроқ тарқалганлиги қайд этилди.

Шуни хулоса қилиш мумкинки, гипотиреоз турли аъзолар ва тизимларнинг кўплаб дисфункциялари билан кузатилади. Юрак-қон томир патологияси эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учрайди. ГТнинг манифестли шаклида коморбид патология бошқа гуруҳдагилардан кўра кўпроқ учради, айниқса эркак жинсига мансуб беморларга нисбатан аёл жинсига мансуб беморларда.

Асаб тизими шикастланишининг мазкур асосий синдромларининг оғирлик баллари 2-расмда кўрсатилган. Гипотиреоз ва унинг клиник турлари орасида аёллар гуруҳидаги неврологик симптомларнинг оғирлигини уч баллик шкала буйича миқдорий баҳолаш эркакларникига қараганда анча юқори эди, яъни аёлларда МГТ даврида пирамидал, вестибуляр, экстрапирамидал синдромлар мос равишда 1,48; 0,96; 0,85 балл булиб, эркакларда эса 1,34 ; 0,69 ; 0,42 баллни ташкил этди ($p < 0,05$). СГТ билан бу аломатлар мос равишда аёлларда 1,34; 0,7; 0,43 балл булиб, эркакларда 1,12; 0,35; 0,28 баллни ташкил этди ($p < 0,05$).




2-расм. Бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморлардаги жинсга боғлиқ холда неврологик аломатлар.

Гипотиреоз билан оғриган беморларнинг I гуруҳида (аёллар) полинейропатия деярли мажбурий синдром бўлиб, 72,6% ҳолларда (53 киши) содир бўлган. II гуруҳида беморларнинг 55,3% ҳолларда (21 киши) полинейропатия борлиги аниқланди. Бу кўрсаткич аёллар гуруҳида ишонарли тарзда юқоридир ($p < 0,05$).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, эркакларда полинейропатиянинг енгил шакли – 36,8% ҳолларда, аёлларда бу кўрсаткич 42,5% ни ташкил қилди. Аммо ўртача оғирликдаги полинейропатиялар аёлларда эркакларга нисбатан анча кенг тарқалган эди 30,1% га қарши 18,4% ($p < 0,05$).

Аёл беморлар орасида (I гуруҳ) туннел нейропатиялари 68% ҳолларда (53 нафар беморларда) аниқланган. Текширилган беморларда ўртача тос индекси 2.31 ва 0.70 баллни ташкил этди. Эркакларда ушбу патологиянинг клиник белгилари камроқ аниқланди ва 55,3% (21 нафар кишида) ташкил этди ($p < 0,05$). Маълумотлар 3-расмда келтирилган.



3-расм. Бирламчи гипотиреоздаги туннел синдроми мавжуд невропатияларнинг жинсга боғлиқ холда оғирлиги.

Бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда карпал туннел синдроми одатда бошқаларга қараганда тез-тез учрайди. Унинг клиник кўринишлари 36,5% ҳолларда (27 киши) қайд этилган. Иккинчи энг кенг тарқалган касаллик Гийон канал синдроми эди. Барча текширилган

беморларда бу синдром 28,4% ҳолларда (21 киши) кузатилган. Учраш даражаси бўйича кубитал туннел синдроми бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда туннелни невропатиялари орасида учинчи ўринни эгаллади. Кубитал туннел синдромлари билан ГТ билан текширилган барча 74 беморнинг 21,6% да (16 киши) бу синдром кузатилган. Тарзал туннел синдроми энг кам учрайдиган ва бирламчи гипотироидизми бор бўлган беморларнинг тахминан 1\4 да (13,5% (10 киши)) учради (2-жадвал).

2-жадвал.

Бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда жинсга боғлиқ равишда туннел невропатияларини клиник аломатлари (баллар).

Туннел синдроми	I гуруҳ, n=53		II гуруҳ n=21	
	ўнг оёқ	чап оёқ	ўнг оёқ	чап оёқ
билак канали синдроми	2,52±0,85 [^]	2,58±0,79 [^]	2,0±1,0	2,00±1,00
Гийон канали синдроми	2,57±0,93 [^]	2,57±0,84 [^]	1,30±1,49	1,90±0,99
кубитал канали синдроми	2,56±0,56 [^]	2,44±0,81 [^]	2,00±1,16	1,80±1,23
тарзал канали синдроми	2,40±0,70 [^]	2,20±1,10 [^]	1,70±1,01	1,70±1,10

Беморлар гуруҳларидаги ЭНМГ текшируви оёқлар нервларида энг кўп намоён бўлган бир қатор бузилишларни аниқлади (3-жадвал).

3-жадвал

Беморлар гуруҳларидаги электронейромиографик кўрсаткичлар


кўрсаткичлар	I-A, n=36	I-B, n=19	II-A, n=13	II-B, n=10	назорат (n=20)
<i>n. peroneus</i>					
РЛ	2,8±0,81	2,24±0,61	2,9±0,71	2,32±0,51	2,4±0,4
Ампл. М- (мВ) жавоби	3,5± 1,51	2,8±1,31	4,12±1,71	3,30±1,51	5,7± 1,6
СРВм	52,7±5,72	42,16±5,52	54,55±8,42	43,64±8,22	54,4±9,л
<i>n. tibialis</i>					
РЛ	2,5±0,71	2±0,51	2,84±0,91	2,272±0,71	1,8±0,5
Ампл. М- (мВ) жавоби	5,6±2,4 1	4,48±2,21	5,61 ± 2,91	4,488±2,71	7,5±3,2
СРВм	49,2±5,62	39,36±5,42	49,3 ± 5,42	39,44±5,22	49,5±10,0
<i>F-тўлқинларнинг кўрсаткичи</i>					
ўртача амплитуда (мкВ)	397,5±166,62	318±166,42	368,2 ± 175,42	294,56±175,22	364,1±115
F \ M макс. (%)	10,5±6,31	8,4±6,11	10,7±7,81	8,56±7,61	7,6±3,8
F \ M ўрта. (%)	5,4±3,61	4,32±3,41	5,3±3,91	4,24±3,71	3,7±1,7
Мин. тезлик (м/с)	41,3±3,2 1	33,04±3,02	41,1±3,3 1	32,88±3,01	43,9±2,0
Макс. тезлик (м/с)	46,8±3,51	37,44±3,31	47,1±3,91	37,68±3,71	48,6±1,9
ўрта тезлик	44,2±3,11	35,36±2,91	44,7±6,11	35,76±5,91	46,2±1,9
Тахео дисперсия (мс)	5,5±1,81	4,4±1,61	6,1±2,?1	4,88±2,51	4,6±0,л
<i>Болдир нерви</i>					
ПД асаб (мкВ)	4,1±3,91	3,28±3,71	6,5 ± 4,91	5,2±4,71	24,2±7,2
Сенс, тезлик (м/с)	39,8±9,41	31,84±9,21	42,7± 5,91	34,16±5,71	51,8±2,6
<i>Илдиз кечикиши</i>					
бел қисми (L4-S1)	4,7±1,31	3,76±1,11	3,6±1,41	2,88±1,23	2,6±0,5
бўйин қисми (C6-Th)	2,9±0,71	2,13±1,57	1,8±0,62	1,63±1,21	1,6±0,7

Изоҳ. Статистик аҳамиятли фарқлар: * - назорат билан; # - гуруҳлар ичидаги кичик гуруҳлар ўртасида. РЛ - резидуал латентлик, ПД – нервнинг потенциал ҳаракатлари, F/M - М-жавоб ва F- тўлқиннинг амплитудалари нисбати, СРВм – қўзғалиш тарқалишининг мотор тезлиги, СРВс - қўзғалиш тарқалишининг сенсор тезлиги.

Клиник-электронейромиографик (ЭНМГ) тадқиқот натижаларига кўра, I гуруҳ беморлари гуруҳидаги сенсор полинейропатия 32 (61%) беморларда, сенсомотор - 21 (39%) беморларда ташхис қўйилган. II гуруҳ беморлари гуруҳида 11 (53%) беморларда сенсор полинейропатия, 10 (43,7%) да сенсомотор ташхиси қўйилган.

ЭНМГ маълумотларига кўра, ГТда кўндаланг тарғил мушаклар ва периферик асаб тизимининг бирла шикастланиши пайдо бўлиши аниқланди, бу "миопатия - полирадикулонейропатия - туннел нейропатияси" синдром-комплекси бўлиб, аёлларда сезиларли даражада тез-тез учрайди (56,2). % эркакларга нисбатан (36,8%) ($p < 0,05$). ГТ бўлган аёлларда ТТГ даражаси эркакларникига нисбатан юқори бўлган, мос равишда $7,2 + 2,4$ мМЕ / л ва $3,9 + 1,4$ мМЕ / л ($p < 0,05$).


«Гипотиреозга чалинган беморлардаги руҳий-эмоционал, вегетатив ва когнитив мақомнинг жинсга боғлиқ равишдаги хусусиятлари» номли тўртинчи бобда психозэмоционал, вегетатив ва когнитив ҳолатнинг тадқиқотининг натижалари кўриб чиқилган. HADS ва HARS шкалалар асосида СГТ га нисбатан манифестли гипотиреозда беморлар депрессиядан ишонарли тарзда кўпроқ азият чекишди (2,7 марта; $p = 0,018$). Бунда СГТда эркакларда субклиник хавотир аниқланмади, МГТда эса бу кўрсаткич 8,7 % ҳолатларда кузатилди. Бу МГТ учун СГТ га нисбатан анчайин намоён бўлувчи субклиник депрессия характерлидир деган мавжуд эътирофларга мос келади (4-расм).



4-расм. ГТ шаклига боғлиқ ҳолда депрессиянинг оғирлик даражаси.


Мазкур тадқиқотда шунингдек, ТТГ даражаси ва хавотирнинг намоёнлиги ўртасидаги тўғридан-тўғри ўрта корреляция ҳам балларда аниқланди (HARS) ($r = 0,65$, $p < 0,01$): ҳам МГТ гуруҳида ($r = 0,62$; $p < 0,01$), ҳам СГТ гуруҳида (5-расм) ($r = 0,53$; $p < 0,01$).

ГТ билан оғриган беморларда ташвиш (43,2%) ва депрессия (20,2%) клиник белгилари намоён бўлди. Аёл беморларда эркаклар ($p = 0,040$) ва назорат ($p < 0,05$) беморларга қараганда юқори ташвиш даражаси бор эди (5-расм).



5-расм. Гипотиреоз билан оғриган беморларда хавотирнинг жинсга боғлиқ холда намоёнлиги (баллар, HARS шкаласи).

Вайн томонидан вегетатив дисфункция сўровнома (ВДС) анкетаси ёрдамида сўровнома натижасида автоном дисфункция белгилари (анкета баллари йиғиндиси 15 дан ортиқ) 104 (93,7%) нафар беморда ва 13 (65,0%) нафар бемор назорат гуруҳида олинди. Барча кичик гуруҳларда, ўртача ҳисоб назорат гуруҳига нисбатан юқориликни қайд этиш мумкин (гуруҳда 1, $p < 0,001$) (6-расм). Мазкур лойиҳа доирасида текширилаётганларда руҳий анамнез баҳоланди.




6-расм. ГТ билан оғриган беморларни Вейн. сўровномаси билан ўрганиш натижалари

Вегетатив дисфункцияни ўрганиш (Автоном нерв системасини ўрганиш учун сўровномалар ва КИГ усули) симпатик ва супрасегментал автоном таъсирларнинг устунлигини аниқлади, бу ГТ билан оғриган беморларда адаптив механизмларнинг бузилишини кўрсатади; юрак уриш тезлигини ўзгариши, симпатикотония ва ГТ оғирлигига бевосита юқори корреляция аниқланган.


Астеник синдромнинг клиник манзарасини таҳлил этиш учун MFI-20 шкаласидан фойдаланилди. Гипотиреозда тўрттала гуруҳда умумий астения, пасайган фаоллик ва жисмоний астениянинг шкалалари бўйича энг юқори

қийматлар кузатилди. Энг кам қийматлар пасайган мотивация ва руҳий астения шкаллари бўйича бўлди (7-расм).



7-расм. Беморлардаги астениянинг намоён бўлишининг жинсга ва ГТнинг шаклига боғлиқ холда (балларда).

Тўртта гуруҳнинг барчасида 5 та шкаланинг ҳаммаси бўйича қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишонарли тарзда юқоридир. Барча қуйи шкалалар бўйича статистик аҳамиятли фарқлар МГТ ва СГТ билан оғриган аёл жинсига мансуб беморлар гуруҳлари ўртасида аниқланди. Бунда кўрсаткичлар МГТда СГТга нисбатан ишонарли тарзда юқори бўлди ($p < 0,05$). Эркакларда бу фарқлар кузатилмади.




8-расм. ГТ билан оғриган беморларда диққат-эътибор, «ижро» функцияси ва динамик праксиснинг бузилишидаги SF-36 сўровномаси шкалаларидаги ҳаёт сифатининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари.

SF-36 (Me ва МКР) сўровномасининг кўплаб шкалалари бўйича I гуруҳда II гуруҳга нисбатан (Ҳаёт сифати) ҲС кўрсаткичларининг анча паст қийматлари кузатилди, ҲС кўрсаткичларидаги фарқ статистик аҳамиятли бўлди, «жисмоний фаолият» ва «саломатликнинг умумий ҳолати» шкалаларининг кўрсаткичлари бундан мустасно. Ёш гуруҳларидаги беморлар ҲСнинг стандартлаштирилган кўрсаткичларида SF-36 сўровномасининг барча шкалалари бўйича статистик аҳамиятли фарқларга эга бўлмади.

8-расмда тадқиқ этилаётган асосий гуруҳлардаги беморлар (Енгил когнитив бузилиш - ЕКБ ва ўртача когнитив бузилиш - ЎКБ синдроми билан) ҲСнинг SF-36 сўровномасининг 8 та шкаласи бўйича стандартлаштирилган кўрсаткичлари тақдим этилган. II гуруҳда ҲС кўрсаткичлари ўртасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланди: «жисмоний фаолият» ва «яшаш қобилияти» шкалалари бўйича кўрсаткичлар ЎКБ синдроми бўлган беморларда пастроқ бўлди ($U=22,5$, $p=0,032$ ва $U=16$, $p=0,009$). SF-36 сўровномасининг қолган шкалалари бўйича II гуруҳда ва барча шкалалари бўйича I гуруҳда ҲС кўрсаткичлари тадқиқ этилаётган асосий гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқларга эга бўлмади.

Текширилаётганларнинг кўрсаткичлари (кузатув гуруҳлар) КГнинг кўрсаткичлари билан таққосланди. МГТ билан оғриган беморларда MMSE ва FAV бўйича когнитив функциялар (КФ) кўрсаткичлари сезиларли пастроқ бўлди: 28,0 (27,0÷29,0) балл ва 17,0 (16,0÷18,0) балл, КГларига нисбатан –29,5 (28,0÷30,0) балл ($p=0,006$) ва 18,0 (17,0÷18,0) балл ($p=0,022$). Гипотиреоз билан оғриган беморларда MMSE ва FAV (когнитив бузилиш) КБ маълумотларига кўра 70,5 % ҳолда аниқланди.

Хотира, диққат-эътибор ва фикрлаш функцияларини баҳолаган ҳолда ўтказилган нейропсихологик тест I гуруҳдаги MMSE ва FAV бўйича юқори кўрсаткичлари бўлган беморларда КБ аломатларини аниқлади, ушбу аломатлар гипотиреоздаги асаб тизими шикастланиши тузилмасидаги етакчилардан (72,5 % ҳолда) бири эди. I гуруҳдаги беморларда енгил КБ (ЕКБ) нинг солиштирма ҳоссаси 50,7, %; ўртача (ЎКБ) – 37,0 % ни ташкил этди, 12,3 % ҳолда КБ аниқланмади.




9-расм. Беморлардаги когнитив бузилишлар тузилмаси ГТнинг шакли ва жинсга боғлиқ равишда.

II гуруҳдаги беморларда энгил КБ (ЕКБ) солиштирма ҳиссаси 39,5 % ни ташкил этдики, бу II гуруҳнинг худди шундай кўрсаткичларидан ишонарли тарзда пастроқдир ($p < 0,005$). Ўрта КБ (ЎКБ) фоизи 37,0 % ни ташкил этди, 18,4 % ҳолларда КБ аниқланмади.

ГТ билан оғриган аёлларда энгил КБ улуши 50,7%, ўртача КБ - 37,0% ни ташкил этди. Эркакларда энгил КБ улуши 39,5%, ўртача КБ 18,4% ни ташкил этди, бу аёллардаги бир хил кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада паст (9-расм) ($p < 0.005$).

Тадқиқотимиз натижалари бўйича Бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда неврологик симптомларни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (10-расм).



10-расм. Бирламчи гипотиреоз билан оғриган беморларда неврологик симптомларни ташхислаш ва даволаш алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

1. Гипотиреоз ва унинг клиник турлари орасида аёллар гуруҳидаги неврологик симптомларнинг оғирлигини уч баллик шкала бўйича миқдорий баҳолаш эркакларникига қараганда ахамиятли даражада юқори бўлиб, аёлларда МГТ даврида пирамидал, вестибуляр, экстрапирамидал синдромлар мос равишда 1,48; 0,96; 0,85 балл бўлиб, эркакларда эса 1,34 ; 0,69 ; 0,42 баллни ташкил этди ($p < 0,05$). СГТ билан бу аломатлар мос равишда аёлларда 1,34; 0,7; 0,43 балл бўлиб, эркакларда 1,12; 0,35; 0,28 баллни ташкил этди ($p < 0,05$).

2. ГТ билан оғриган аёлларда полинейропатия деярли доимий синдром бўлиб, 72,6% ҳолларда юзага келган; эркакларда бу кўрсаткич 55,3% ташкил этган. Нейропатиянинг ўртача оғирлиги (То) аёлларда $2,51 \pm 0,68$ балл, эркакларда эса $1,63 \pm 0,81$ баллни ташкил этди. Аёллар орасида кубитал канал синдромининг устунлиги аниқланди - 49,1%, бу синдром 28,6% ҳолларда кузатилган эркаклар гуруҳига нисбатан ($p < 0,05$). Туннел синдроми аёлларда сезиларли даражада (56,2%) эркакларга нисбатан (36,8%) кўпроқ учраган ($p < 0,05$). ГТ бўлган аёлларда ТТГ даражаси эркакларникига нисбатан юқори бўлган, мос равишда $7,2 + 2,4$ мМЕ / л ва $3,9 + 1,4$ мМЕ / л ($p < 0,05$).

3. Ўтказилган корреляцион таҳлил ТТГ даражаси ва когнитив функцияни баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари (MMSE: $p < 0,05$, FAB: $p < 0,05$) ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик ва эркин Т4 ва когнитив функцияни баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари (MMSE: $p < 0,05$, FAB: $p < 0,05$) ўртасида эса тўғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат гипотиреоз билан хасталанган беморларда гормонал омилнинг когнитив бузилишларни ривожланишида етакчи ролини исботлайди.

4. ГТ билан оғриган аёлларда енгил когнитив бузилишлар (ЕКБ) улуши 50,7%, ўртача когнитив бузилишлар (ЎКБ) улуши 37,0% ни ташкил этди ва 12,3% ҳолларда когнитив бузилиш аниқланмади. Эркакларда ЕКБ улуши 39,5% ($p < 0,05$), ЎКБ 18,4% ни ташкил этган, 42,1% ҳолларда КБ аниқланмаган. СГТда диққатнинг аниқлиги ва концентрациясининг пасайиши, МГТда эса диққат барқарорлигининг пасайиши устунлик қилган.

5. Кардиоинтервалография усули ёрдамида аниқланган юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг ўзгариши симпатик вегетатив таъсирларнинг устунлиги билан симпатик-парасимпатик номутаносиблик билан тавсифланган вегетатив бузилишларнинг оғирлигини, шунингдек, беморларда ГТ адаптив механизмларининг бузилишини кўрсатади. Бу ўзгаришлар аёлларда кўпроқ кузатилади.

6. Клиник, неврологик текширувлар натижалари, инструментал ва уч балли шкала ёрдамида неврологик синдромларни баҳолаш натижалари, аниқланган хавф омилларнинг таъсири, корелляция натижаларини таҳлил қилиш асосида бирламчи гипотиреозда неврологик бузилишларни даволаш ва олдини олишга қаратилган алгоритм ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.04. 2022. Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КАЮМОВА НАФИСА КОМИЛЖОНОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ПОРАЖЕНИЯ НЕРВНОЙ СИСТЕМЫ У ВЗРОСЛЫХ
ПАЦИЕНТОВ С ГИПОТИРЕОЗОМ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ПОЛА**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по медицинским наукам (PhD)**

БУХАРА – 2024

Тема диссертации доктора медицинских наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.2.PhD/Tib1916.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet”(www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Назарова Жанна Авзаровна**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Уринов Мусо Болтаевич**
доктор медицинских наук, профессор

Эргашева Наргиза Насриддинова
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Дагестанский государственный медицинский университет (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2024 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (адрес: 200118, Бухара, ул. Гиждуванская, 23. Тел./факс: (+99865) 223–00–50.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 200118, Бухара, ул.Гиждуванская, дом 23. Тел./факс: (+99865) 223–00–50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2024 года.

(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2024 года).

Д.Т. Ходжиева
председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ш.Ахмедова
ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Г.А.Ихтиярова
председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), гипотиреозом (ГТ) страдает около 200 миллионов людей в мире¹. В настоящее время гипотиреоз является одной из распространенных форм эндокринной патологии. Актуальность проблемы гипотиреоза (ГТ) в клинической практике врачей различных специальностей обусловлена тем, что при дефиците тиреоидных гормонов развиваются тяжелые нарушения во всех без исключения органах и системах. Полидефицитность поражения у пациентов приводит к раннему развитию и ухудшению психических и неврологических расстройств. Полиморфизм клинической картины изменения психики пациентов с гипотиреозом описан в работах таких отечественных и зарубежных авторов. Однако, до сих пор нет единого мнения об особенностях поражения нервной системы у пациентов с гипотиреозом в зависимости от пола. Всё вышеизложенное показывает актуальность проблемы и целесообразность её изучения в клинике.

В мире распространенность гипотиреоза составляет 0,2–9,5 %, манифестного гипотиреоза – 0,2–2 %; субклинического – 10 %. У мужчин гипотиреоз встречается 4–10 раз реже чем у женщин. Заболевшие субклиническим гипотиреозом женщины составляют – 10 %; мужчины – 3 % (Петунина Н.А., 2005). Увеличение возраста может повысить заболеваемость гипотиреозом на 12–20 %. Из этих данных можно узнать, что анализ результатов, проводимых во всём мире исследований показывает, что работ, посвящённых изучению специфики неврологического дефицита и психоэмоциональных расстройств пациентов с гипотиреозом, и качества жизни в зависимости от пола очень мало, в этом и заключается его актуальность для современной неврологии.

Согласно эпидемиологическим исследованиям гипотиреоза в нашей стране, его распространение у нас выше чем в России, США и Европе, составляет 12–15 %, то есть равно 4,5–5 % (Губанова Г.В., 2015; Ахмедов С.А., 2017).

В нашей стране особое внимание уделяется развитию медицинской сферы, приведению медицинской системы в соответствие с требованиями мировых стандартов, разработке методов профилактики и совершенствованию методов лечения. Определены такие функции, как «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации...». Данное диссертационное исследование в Исследование данной диссертации в определенной мере способствует

¹ <https://www.who.int/ru/data/gho/publications>

реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан ПФ-60 от 28 января 2022 года “ О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”², ПФ-5590 от 7 декабря 2018 года “ О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан”, №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых актах, решение поручений в вышеизложенных документах в определенной степени выполняются в исследованиях данной диссертации.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Распространенность гипотиреоза в различных популяционных группах на планете колеблется от 1,2 % до 15 % и рост этого показателя зависит от многих факторов. Из этих хронический аутоиммунный тиреоидит; недостаточный биосинтез тиреоидных гормонов (вследствие наследственности); врожденные дефекты развития щитовидной железы (гипоплазия, либо аплазия); хирургическое удаление части щитовидной железы; последствия воздействия на щитовидную железу радиоактивным йодом (при лечении Базедовой болезни), либо ионизирующим облучением; дефицит йода в рационе; инфекции и новообразования щитовидной железы; прием некоторых лекарственных средств; (в случае вторичного гипотиреоза) патологические состояния гипопифиза и гипоталамуса.

Однако, результаты отдельно проведенных исследований существенно отличаются друг от друга. Например, в Колорадском исследовании (США, 25 686 человек), в исследованной группе распространенность СГТ без учета пола составила 9,5 %. В исследовании NHANES III (США, более 16 тыс. пациентов) – 4,5 % (Шестакова Т.П., 2016).

По мнению многих исследователей, для пациентов с манифестным ГТ характерны более выраженные эмоциональные расстройства, а также вегетативные нарушения и нарушения памяти, чем для пациентов с субклиническим гипотиреозом [Альтшулер Н.Э., Куцый М.Б., Кругляков Н.М., 2022; Потапов А.А., Крылов В.В., 2015].

Данная проблема широко изучается и в нашей Республике (Саидрасулова М.А., Алиев С.У., 2019; Исмаилов С.И., Рашитов М.М., 2017). Вместе с тем, анализ результатов немногих исследований, проводимых во всем мире показывает, что изучение особенностей неврологического дефицита, психоэмоциональных расстройств, вегетативной дисфункции и качества жизни у пациентов с ПГТ, требует дальнейшего изучения этой проблемы. Анализ современных данных показывает, что «идеального» способа лечения

² Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан за 2020 год

